# Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш – давр талаби

**Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.**

Шундай бўлишига қарамасдан ҳозирги кунда дунёдаги ўта камбағал одамларнинг 60 фоиздан ортиғини, саводсиз аҳолининг эса учдан икки қисмини аёллар ташкил қилади. Мактабга жалб қилинмаган болаларнинг ҳам учдан икки қисми қизлар ҳисобланади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун дунёда ҳар учинчи аёл (35 фоиз) ҳаёти давомида у ёки бу турдаги зўравонликка дуч келар экан.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сессиясидаги чиқишида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишлар қатъий давом эттирилишини таъкидлади. Юртимизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши, аёлларнинг жамиятдаги, давлат бошқарувидаги ўрни кун сайин ошиб бораётгани, ҳозир тизимда уларнинг улуши 33 фоизга етгани ва бир ярим мингга яқин аёл раҳбарлик лавозимларида ишлаётгани хусусида гапирилиб, бу борадаги салоҳиятни янада ошириш мақсадида 6 мингдан ортиқ фаол хотин-қиздан иборат кадрлар захираси шакллантирилгани қайд этилди.

Бундан ташқари, қизлар тарбияси, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, замонавий билим ва ҳунарларни эгаллаши, иш жойига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрин топишига алоҳида аҳамият бериш зарурлиги таъкидланди. Оиладаги муҳит соғломлиги, аввало, аёлга боғлиқ бўлганидек, жамиятдаги маънавий муҳитнинг соғломлиги бевосита оилага ва болалар тарбиясига масъул бўлган онага боғлиқ.

Ўз навбатида, бу масаланинг бутун дунёдаги бугунги ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, маълумотлар шуни кўрсатадики, жаҳонда мавжуд жамиятлар аҳолисининг ярмини, ҳаттоки ундан кўпроғини аёллар ташкил этади, аммо инсон фаолиятининг ва жамиятнинг кўпгина мураккаб соҳалари, яъни билим, ихтисос, малака, кўникмалар талаб қилинадиган соҳаларида уларнинг иштироки ниҳоятда оздир. Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Шу маънода Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда тараққиёти аёлларга, ёшларга, оилага бўлган муносабат ва эътибор билан боғлиқ.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини янада кучайтириш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини ошириш, қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам ёрқин акс эттирилган. Бинобарин, Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини янада ислоҳ қилиш вазифалари” қисмида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш белгилаб ўтилган.

Шу жиҳатдан кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ҳамда болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида парламентимиз янги таркибининг 30 фоизи аёллардан иборат бўлди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Энг муҳими, юртимизда аёл раҳбарлар – вазирлар, ҳокимлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, банк ва компаниялар раислари, ҳуқуқ-тартибот идораларида масъул вазифаларда хизмат қилаётган опа-сингилларимиз сони ортиб бораётир.

Бинобарин, мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида ўтган йиллар давомида салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, республикамизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилиб, опа-сингилларимизга тадбиркорлик, ҳунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандликни таъминлаш юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди. Ана шундай имкониятлар туфайли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган аёллар сони тобора ошиб, улар томонидан минглаб янги иш ўринлари яратиляпти.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, бандлигини таъминлашга қаратилган эзгу ишлар кўлами янада кенгайишига шубҳа йўқ. Сабаби Президентимиз 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислоҳотларимизнинг энг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда ўзбек аёлларининг нафақат оила ва фарзандлар тарбиясидаги ўрни, балки, мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳам беқиёс. Бугун юртимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда опа-сингилларимизни жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аёллар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, жумладан, бандлигини таъминлаш, соғлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга эътибор юксак даражага кўтарилди, десак хато бўлмайди.



Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши, бунинг учун Халқ банки томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилиши албатта, аёллар тадбиркорлигини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда, илм-фан, таълим-тарбия ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жараёнларига хотин-қизларни кенг жалб этиш масалалари ҳам мамлакатимизда устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга аёллар 25 фоизни, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга аёллар эса 20 фоизни ташкил этаётганлиги соҳада хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишлар олиб борилаётганлигини кўрсатмоқда. Лекин бу кўрсаткичлар бугунги кун даражаси учун етарли деб бўлмайди. Бунинг учун фан ва таълим тизимида халқаро талабаларга жавоб берадиган бир қатор ишларни амалга ошириш зарур. Тан олиш керак, бу борадаги ислоҳотларнинг кўпи қоғозда қолиб кетмоқда.

Таълим соҳасини олиб қарайдиган бўлсак, бизда қиз ва ўғил болаларнинг билим олиш, касб танлаш бўйича анчагина фарқлар борлиги сезилиб турар эди. Баъзи ҳолларда ва узоқ туман ва қишлоқларда ҳали ҳам бундай дунёқараш учраб турибди. Хотин-қизларимиз олий маълумотли бўлса, қанчалик билим ва салоҳият олса ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш масаласига масъулият билан ёндашади. Юртнинг келажаги эса мана шундай дунёқарашга эга аёллар томонидан яратилади.

Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди, 2021 йил олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади. Айниқса “Хотин-қизлар темир дафтарига” кирган эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилиниши хотин-қизларга бўлган эътиборнинг намунасидир.

Айниқса 2021 йилда Олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказилиши, аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилиши хотин-қизларимизга яратилаётган юксак имтиёздир.

**Малоҳат САЛОМОВА,**
**Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали Ахборот-ресурс маркази бош мутахассиси.**

## ЭЪЛОНЛАР

Следующие утерянные документы АК «Узэлтехсаноат», зарегистрированные Центром по координации и развитию рынка ценных бумаг Республики Узбекистан, считать недействительными: 1) решение о первичном выпуске акций и проспект эмиссии, зарегистрированный 08.07.2014 г., №P0857; 2) решение о дополнительном выпуске акций и проспект эмиссии, зарегистрированный 15.10.2014 г., №P0857-2; 3) решение о дополнительном выпуске акций, зарегистрированное 21.04.2016 г., №P0857-3; 4) текст изменений, вносимых в решение о выпуске акций общества, зарегистрированный 24.08.2017 г., №15-07/017; 5) решение о дополнительном выпуске акций и проспект эмиссии, зарегистрированный 12.03.2018 г., №P0857-4.

Решением Ташкентского межрайонного экономического суда от 18.02.2021 г. по делу №4-1001-2115/1413 ООО «**Advance Impex**», по делу №4-1001-2115/1412 ООО «**Flash Royal**», от 19.03.2021 г. по делу №4-1001-2004/3929 ООО «**Anvar Fayz Biznes**» признаны банкротами и в отношении предприятий открыто ликвидационное производство.

Ликвидационным управляющим назначен Шамурадов Саидмурат Сайдахрамович.

Все требования по денежным и иным обязательствам вышеуказанных предприятий принимаются в течение одного месяца со дня опубликования данного объявления в печати.

Требования кредиторов принимаются по адресу: г. Ташкент, ул. Нигора, 2-й проезд, дом 84.

Контактные телефоны: 71-298-34-01, 90-928-05-98.

**ООО «FAYZLI SIFAT BARAKA SAVDO»** (ИНН 303210392), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района от 11.02.2015 года за №008232 (реестровый №009817-10), расположенное по адресу: город Ташкент, Юнусабадский район, Ц-6, дом 90, квартира 55, **ликвидируется**. Основание: решение единственного учредителя №2 от 31.03.2021 г. о добровольной ликвидации. Претензии и требования кредиторов принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по т. +99871 234-02-07.

**Адвокатское бюро «MADIVI LEX»,** зарегистрированное Управлением юстиции г.Ташкента 11 сентября 2015 года, реестровый №759, ИНН 207231382, реорганизуется путем преобразования в адвокатскую фирму «MADIVI LEX». Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента опубликования данного объявления по адресу: г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Таллимаржон, дом 16/3, квартира 3, телефон (90) 945-08-10.

Утерянный аттестат об общем образовании U №1519944 (регистрационный №45), выданный 22 июня 2005 года специализированной общеобразовательной школой №60 Мирабадского района г.Ташкента на имя Супрунова Дмитрия Олеговича, **считать недействительным**.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 6-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йил 8 июнда **Самандарова Азиза Бахадировна** номига 11-синфни битирганлиги тўғрисида берилган UM № 0715777 (қайд рақами №60) рақамли йўқолган аттестат **бекор қилинади**.

**ООО «Technology Development»** (ИНН:305484408) уведомляет о том, что решением учредителя общества №8 от 25.03.2021 г. уменьшается уставный фонд. Уставный фонд уменьшается с 19 525 366 100,00 сумов на сумму 1 525 366 100,00 сумов. Новый размер уставного фонда составит 18 000 000 000,00 сумов. Обращения заинтересованных лиц принимаются по адресу места нахождения общества: город Ташкент, Чиланзарский район, ул. МКАД, дом 50.

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 119-(ҳозирда 159-а мактаб бўлган) умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2013 йил 19 июнда **Ниғматова Гулмира Тоир қизи** номига берилган U № 6242807 рақамли йўқолган шаҳодатнома **бекор қилинади**.